

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**Т.Н.ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА
ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ЭШИМОВ РАХМОН РУСТАМОВИЧ

**МАХСУС МАКТАБ ИНТЕРНАТЛАР ТАЪЛИМИГА ОИД КОМПЬЮТЕР
ИМИТАЦИОН МОДЕЛЛАР ЯРАТИШ ВА ЖОРИЙ ЭТИШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
(6-7 синф физика дарслиги мисолида)**

13.00.06 – Электрон таълими назарияси ва методикаси (информатика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Эшимов Рахмон Рустамович

Махсус мактаб интернатлар таълимига оид компьютер имитацион
моделлар яратиш ва жорий этиш технологиялари (6-7 синф физика
дарслиги мисолида)..... 3

Эшимов Рахмон Рустамович

Технология создания и внедрения компьютерных имитационных
моделей для специальных школ-интернатов (на примере учебника
физики для 6-7 классов)..... 21

Eshimov Rakhmon Rustamovich

Technology for the creation and implementation of computer simulation
models for special boarding schools (on the example of a physics textbook
for grades 6-7)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**Т.Н.ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА
ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ЭШИМОВ РАХМОН РУСТАМОВИЧ

**МАХСУС МАКТАБ ИНТЕРНАТЛАР ТАЪЛИМИГА ОИД КОМПЬЮТЕР
ИМИТАЦИОН МОДЕЛЛАР ЯРАТИШ ВА ЖОРИЙ ЭТИШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
(6-7 синф физика дарслиги мисолида)**

13.00.06 – Электрон таълими назарияси ва методикаси (информатика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2021

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Ped331 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.vocedu.uz) ҳамда “ZiyoNET” ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Лутфиллаев Махмуд Хасанович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рахматуллаев Марат Алимович
техника фанлари доктори, профессор

Туракулов Олим Холбугаевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720 Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел: (99870) 712-27-55; faks: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi-kengash@umail.uz).

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111720 Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел: (99870) 712-27-55; faks: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi-kengash@umail.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ куни тарқатилди.

(2021 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.Э.Усаров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., доцент

Д.Махмудова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.ф.д.
(PhD) доцент

Р.А.Эшчанов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда имконияти чекланган ўқувчиларни таълим ва тарбия жараёнини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш мақсадида компьютерли имитацион моделлар, мультимедиали электрон ресурслар, виртуал таълим технологияларини яратиш ва уларни жорий этиш масалаларига оид илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Имконияти чекланган ўқувчиларни табиий фанлардан таълим олиши учун замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва педагогик технологияларнинг имкониятларидан кенг фойдаланиб ўқитиш асосида, уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, мантиқий фикрлашини ошириш, ўқитишни тизимлаштиришда назарий-методологик, услубий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Дунё миқёсида имконияти чекланган ўқувчиларга физика фанидан таълим беришнинг ташкилий-методик асосларини тадқиқ этишда интегратив ёндашувли интерфаол методлар ва дидактик электрон таълим ресурсларини, компьютерли имитацион моделларни жорий этишга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Тадқиқот натижалари имконияти чекланган ўқувчилар учун физика таълими жараёнига имитацион модели ўқув материалларини лойиҳалаш, компьютернинг амалий ва инструментал дастурий воситалари ҳамда мультимедиали электрон ресурслар асосида машғулотларини ташкил этишнинг замонавий ёндашувлар билан боғлиқ илмий ишланмалар кўламини ошириш долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда имконияти чекланган ўқувчилар таълимини ривожлантириш учун илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш, ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ўз навбатида, имконияти чекланган ўқувчиларга физика фанини ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг янгича ёндашувларини тадқиқ этиш заруриятини юзага келмоқда. Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарорда “инклюзив таълим жараёнида ўқувчиларда ўқишга соғлом, кучли ва таъсирчан мотивацияни шакллантириш; инклюзив таълим дастурлари асосида замонавий дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда мультимедиа иловаларини яратиш»¹ каби устувор вазифалар белгиланган. Бу борада, махсус мактаб-интернатларининг ўқув жараёни учун дидактик ўқув воситаларини лойиҳалаш босқичларини, талабларини такомиллаштириш, махсус мактаб-интернат ўқувчиларининг физика фанидан мустақил ишлашини ташкил этишга оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги «Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4860-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 январдаги «Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини кўллаб-қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4963-сон, 2021 йил 9 августдаги «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан кўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5216-сон, 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон Фармонлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълимда ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш, электрон таълимни ривожлантириш, электрон ахборот-таълим ресурслари ва дастурий қобикларни яратиш ва кўллашга оид тадқиқотлар юртимизда: А.А.Абдуқодиров, М.М.Арипов, Р.Р.Боқиев, Ф.М.Закирова, М.Ҳ.Лутфиллаев, А.А.Абдқасиева, Д.Э.Тоштемиров, Н.А.Муслимов, Н.И.Тайлақов, М.Э.Мусаева, Б.Сапаев, Б.Болтаев, У.Ю.Юлдашев, Я.Маматова, С.С.Ғуломов, А.Х.Абдуллаев, М.Х.Лутфиллаев, М.А.Файзиев, М.Р.Файзиева; имконияти чекланган ёшлар таълимидаги муаммо ва истиқболларини тадқиқ қилиш, унинг мазмун-моҳияти, вазифалари, тамойилларига доир илмий изланишлар: йўналишида Л.Р.Муминова, Р.Ш.Шомахмудова, Н.Музаффарова, Ф.У.Қодирова, Д.Тангилова, Р.А.Сулейменова, Г.Д.Хакимджановаларнинг ишларида тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларида имконияти чекланган ўқувчилар таълимининг педагогик-психологик жиҳатларини ўрганишга доир тадқиқот ишлари: Т.В.Лисовская, Д.В.Бухаров, И.Ю.Фролова, Л.Н.Хохлачева, Н.А.Ливенцева, С.В.Алехина, С.М.Юсфин, И.В.Возняк, Т.Н.Гусева, Е.В.Миронова, А.В.Воронов, И.А.Юдина; ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда имконияти чекланган ўқувчилар ўқув жараёни самарадорлигини ошириш соҳасида: Н.Н.Горбачёв, Б.В.Селюк, Н.А.Васянович, Г.П.Вечеркина, Ч.М.Миркаримова, В.В.Гриншкун, В.А.Вуль, Е.О.Олеговна, А.А.Андреев, Е.С.Полат, Т.В.Лисовская С.В.Маруклар томонидан ўрганилган.

Хорижий олимлар томонидан таянч аъзолари шикастланган ёшларни уйда таълим олиш масалаларига оид изланишлар: Берни Доджи, С.М.К. Weber, Beatriz Manzano-Garcia, Maria Tome Fernandez, Mona Niemeyer; махсус мактаб-интернатларда имконияти чекланган ўқувчиларни ўқув жараёнига компьютер имитацион моделларини жорий этиш методикасига бағишланган тадқиқотлар:

Norshidah Mohamad Salleh, Khalim Zainal, James Herbert, Marie O'Boyle-Duggan каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Юқорида келтирилган тадқиқотларда имконияти чекланган ўқувчиларнинг таълим-тарбия жараёнида назарий ва амалий аҳамиятга молик ёндашувлар илгари сурилган бўлсада, 6-7 физика фани дарслигига доир компьютер имитацион моделлар яратиш ва махсус таълим муассасаларининг ўқув жараёнига жорий этиш методикаси янги талқинда тадқиқ қилиш зарурати мавжуд.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг И-ОТ-2019-8 «Умумий ўрта таълим мактабларининг табиий (физика ва биология) фанлари учун янги авлод электрон ўқув-методик қўлланмаларини яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади 6-7 синф физика дарслиги асосида компьютер имитацион моделлар яратиш ва имконияти чекланган ўқувчилар ўқув жараёнига жорий этиш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

махсус мактаб интернатларининг ўқув жараёни учун дидактик ўқув воситаларини лойиҳалаш босқичларини ва талабларини такомиллаштириш;

6-7 синф имконияти чекланган ўқувчиларнинг физика фанига оид машғулотларни кўргазмали имкониятларининг мазмунини ёритиш асосида такомиллаштириш;

имконияти чекланган ўқувчиларнинг физика фанидан креатив фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган компьютер имитацион моделларидан фойдаланишни такомиллаштириш;

махсус мактаб интернат ўқувчиларининг физика фанидан мустақил ишлашни ташкил этишга оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти махсус мактаб интернатларда физика фанини компьютер имитацион моделлардан фойдаланган ҳолда ўқитиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари махсус мактаб-интернатларидан жами 337 нафар ўқувчилар жалб этилди.

Тадқиқот предмети физика фанидан (6-7 синф дарслиги бўйича) компьютер имитацион моделларини махсус мактаб-интернатлар ўқув жараёнига жорий этишнинг шакл ва воситаларидан иборат.

Тадқиқот методлари: тадқиқот давомида педагогик кузатиш, қиёсий таҳлил, тажриба-синов, сўров, тест, суҳбат, математик ва статистик таҳлилдан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат.

махсус мактаб интернатларининг ўқув жараёни учун дидактик ўқув воситаларини лойиҳалаш босқичлари (ўрганиш, ҳамкорлик, мустақил, ижодий) талабларини ва компьютер имитацион моделлари (абстракт, физик, математик) интеграциясини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

махсус мактаб интернатларининг 6–7-синф физика ўқув предметига оид дидактик дастурий воситалар (мультимедиа, овоз доир, видео, компьютер имитацион моделлар, виртуал стендлар)дан фойдаланиш ҳамда машғулотларни кўргазмали имкониятларининг мазмунини ёритиш асосида такомиллаштирилган;

имконияти чекланган (уйда якка тартибда таълим олувчи) ўқувчиларнинг физика ўқув предметидан креатив фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган машғулотларнинг (муаммоли, эвристик) ўқув методик таъминоти компьютер имитацион моделлари имкониятини очиб бериш асосида такомиллаштирилган;

физика ўқув предметидан мустақил ишлашни ташкил этишга қаратилган интерфаол методлар, компьютер имитацион моделлари (абстракт, физик, математик) ва диагностик дастурий воситалари асосида махсус мактаб интернат ўқувчиларининг компетенцияларини такомиллаштиришга оид илмий-методик таъминоти (мақсад, шакл, метод, воситалари) такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

имконияти чекланган ёшлар таълимига доир 6-синф физика дарслигидан 52 та, 7-синф физика дарслигидан 54 та компьютер имитацион моделлар яратилган;

компьютер имитацион моделлар асосида имконияти чекланган ёшлар таълими учун электрон нашр (Услугий қўлланма) яратилган ва таълим жараёнига татбиқ этиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилган;

махсус мактаб интернатининг 6-7 синф ўқувчиларини физика ўқув предметидан мустақил ишлашини ташкил этиш методикаси такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Қўлланилган ёндашув ва усуллар, илмий-назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади; ишга оид муаммо Республика ва халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўпламлари, ОАК эътироф этган махсус ва хорижий журналларда чоп этилган мақолалар эълон қилинганлиги, Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги томонидан олинган дастурий маҳсулот гувоҳномалари билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти махсус мактаб-интернатларда таянч ҳаракат аъзолари шикастланган ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини ривожлантиришда 6-7 синф физика дарслиги асосида яратилган компьютер имитацион моделлардан фойдаланиш технологияси ҳамда таклиф, тавсиялар ишлаб чиққанлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти 6-синф физика дарслиги асосида яратилган 52 та, 7-синф физика дарслиги асосида яратилган 54 та компьютер имитацион моделлар таянч ҳаракат аъзолари шикастланган

ўқувчиларнинг яқка тартибда таълим олишга татбиқ этилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Махсус мактаб-интернатлар таълимига оид компьютер имитацион моделлар яратиш ва жорий этишнинг технологияларига доир тадқиқот натижалари асосида:

махсус мактаб интернатларининг ўқув жараёни учун дидактик ўқув воситаларини лойиҳалаш босқичларини, талабларини ва компьютер имитацион моделларини тизимлаштириш асосида такомиллаштириш ҳамда махсус мактаб интернатларининг 6-7 синф физика ўқув предметида оид дидактик дастурий воситалар (мультимедиа, овоз доир, видео, компьютер имитацион моделлар, виртуал стендлар)дан фойдаланиш ҳамда машғулотларни кўргазмали имкониятларининг мазмунини ёритиш асосида такомиллаштиришга оид таклифлардан И-2016-4-15 «Кутубхона ресурсларидан мобил алоқа асосида тармоқдан фойдаланишнинг дастурий таъминотини яратиш ва татбиқ этиш (Олий таълим муассасалари мисолида)» мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 89-03-4232-сон маълумотномаси). Натижада имконияти чекланган ёшларнинг физика ўқув предметида ўзлаштириш самарадорлигини оширишга эришилган;

имконияти чекланган ўқувчиларнинг физика ўқув предметида креатив фикрлашни ривожлантиришга йўналтирилган машғулотларнинг ўқув методик таъминотида компьютер имитацион моделлари имкониятини очиқ бериш асосида такомиллаштиришга оид таклифлардан И-ОТ-2017-4-2-рақамли «Методик тизимда компьютер имитацион моделлари асосидаги виртуал ресурсларни яратиш ва имконияти чекланган ёшлар таълимида жорий этиш» мавзусидаги инновацион тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 89-03-4232-сон маълумотномаси). Ушбу лойиҳа доирасида ишлаб чиқилган компьютер имитацион моделлар 6–7-синф имконияти чекланган ўқувчиларнинг физика ўқув предметида креатив фикрлашни ривожлантиришга хизмат қилган;

физика ўқув предметида мустақил ишлашни ташкил этишга қаратилган интерфаол методлар, компьютер имитацион моделлари ва диагностик дастурий воситалари асосида махсус мактаб-интернат ўқувчиларининг компетенцияларини такомиллаштиришга оид илмий-методик тавсиялардан ўқув жараёнида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 89-03-4232-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларнинг физика ўқув предметида мустақил ўқув фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий

натижаларини чоп этиш тавсия этган илмий нашрларда 7 та мақола (6 республика 1 та хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан таркиб топган. Диссертациянинг асосий ҳажми 136 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, илмий янгилиги баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши ёритилган, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Имконияти чекланган ёшлар таълимига оид электрон ўқув ресурслар яратишнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида махсус мактаб-интернатлар таълимига оид электрон ресурсларни ўқув жараёнига жорий этишнинг ҳолати, имконияти чекланган ёшлар таълимига доир компьютер имитацион моделлар яратишнинг зарурати, 6-7 синф физика ўқув предметидан имконияти чекланган ёшлар таълимига доир компьютер имитацион моделлар яратишга оид назарий маълумотлар келтирилган. Шунингдек, имконияти чекланган ёшлар таълим мазмун-моҳияти, истиқболи, таълимга ахборот коммуникация технологиялари (АКТ)ни қўллашга доир хориж, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Республикамиз олимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишлари, таълим технологияларини татбиқ этиш босқичлари, педагогик шарт-шароитлари ўрганилган.

Бугунги кунда халқ таълими тизимида жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчилар учун 86 та ихтисослаштирилган мактаб ва 21 та мактаб-интернат мавжуд бўлиб, уларда 20610 нафардан ортиқ ўқувчи таълим олмоқда. Бундан, 13437 нафардан ортиқ жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган ва узоқ муддатли даволанишга муҳтож ўқувчилар уйда таълим олмоқда.

Бугунги кунда имконияти чекланган ёшлар таълимида замонавий ахборот технологияларини қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда, бу нафақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатиш, балки замонавий технологиялар асосида эгаллаётган билимларни мустақил излаб топишларига, таҳлил қилишларига, хулосалар чиқаришларига йўналтирилган. Шу нуқтаи назардан, техник воситалардан фойдаланиш, компьютер имитацион моделлар яратиш ва ўқув жараёнига самарали қўллаш долзарб вазифа ҳисобланади. Бу борада таълим муассасалари учун янги авлод ўқув-методик материаллари, электрон дарсликлар, инновацион технологияларга асосланган дидактик материаллар яратиш ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Б. Сапаев, Ж.Н. Тоджиев, С.Р. Раззоқова, Ш.И. Ҳамдамов, Р.С. Бардиев. илмий ишларида дарс жараёнида компьютер технологияси элементларини

кўпроқ қўллаш, ўқув жараёнини хилма–хиллигини оширишга ёрдам бериб, ўқувчиларни - тингловчиларни зериктириш “касаллигидан” қутқаради, таълим беришни сифат жиҳатдан янги, юқори поғоналарга кўтаради, бенуқсон ўқув дарсликлари билан таъминлашга эришилади, шахс ривожланишига ёрдам беради, ўқувчи ва ўқитувчининг ижодий потенциали ва билиш фаоллигини шакллантиради уларда ўқишга, ҳаётга бўлган қизиқишини орттиради деган фикрларни билдириб ўтган.

Компьютер имитацион модели – бу реал ҳодиса ва жараённинг компьютер дастурлари асосидаги адекват ёки яқинлаштирилган моделидир.

Компьютер асосидаги имитацион моделлаштириш одатда объектни ўрганиш, ҳодисалар, предмет соҳа, ҳаётий вазиятлар ва масалаларнинг қандай кўринишда бўлишидан бошланади. Объект ўрганиб бўлингандан сўнг модель тузилади. Модель тузишда асосий бош омиллар ажратилади (иккинчи даражалилари ташлаб юборилади). Ундан сўнг алгоритм, дастур тузилади ва компьютер эксперименти ўтказилади.

Бу воситалар ўқувчиларга стандартларга мос таълим фанларини эркин танлаш, ҳар бир мавзу юзасидан кетадиган жараёнларни ҳаракатлар орқали тасаввурни кенгайтиришдан иборат. Бу муҳитда ўқувчининг таълим олиш жойи ва вақтига боғлиқ бўлмайди. Чунки, ўқувчи ихтиёрий вақтда ўқишни бошлайди, ўқув материалларини ўқитувчи назоратида ҳамда мустақил тарзда ҳам ўзлаштиради.

Ўқувчи берилган дастурни қанчалик тез ўзлаштиради, шунчалик тез фанни яқинлайди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда махсус мактабларида таҳсил олаётган имконияти чекланган ўқувчиларни таълим ва тарбия жараёнига замонавий ўқув воситаларни, хусусан компьютер имитацион моделлари жорий этилмаса, уларнинг билим захирасига эга бўлишини тасаввур қилиш қийин.

Ўқувчилар одатдаги технологияларга қараганда ахборот-коммуникацион технологиялари ёрдамида билимларни юқори даражада тез ва қисқа муддатда ўзлаштиради. Шунинг учун ҳам ахборот-коммуникация технологиялари орқали ўқитиш бутун дунё миқёсида тез ривожланмоқда.

Шундай экан, бугунги кун ўқувчиси шу жумладан, имконияти чекланган ўқувчи ахборот технологияларини яхши эгаллаши зарур. Унинг фаолияти кўпроқ ахборотга эга бўлганлик даражаси, ушбу ахборотлардан самарали фойдалана олиш қобилиятига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Компьютер асосидаги моделлаштириш технологияси ўқув жараёни сифатини юқори даражага кўтаришга олиб келади. Техник воситалар ёрдамида ўқувчиларга берилаётган ўқув материалларининг ҳажмини ошириб бориш, замонавий фан ютуқларини киритиб бориш имконияти яратилади. Яқин вақтларгача техник ўқитиш воситалари сифатида кино ва телевидения таълим тизимида катта ютуқ сифатида қаралар эди. Аммо ҳозирги вақтда ўқув жараёнида компьютер асосида моделлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Худди шундай компьютер асосидаги имитацион моделлаштириш таълим тизимида муҳим аҳамиятга эга. Татбиқ этилиши нуқтаи назаридан компьютер

асосидаги моделлаштириш ва имитацион моделлаштириш бир-бирига ўхшаш вазифаларни бажаради. Яъни объектни (таълим жараёни назарда тутилмоқда) ички ва ташқи хоссаларини намоён қилиш имитация йўли билан кўрсатилади.

Ўқув жараёнида компьютер имитацион моделдан фойдаланиб дарс жараёнини ташкил этиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, имконияти чекланган ўқувчиларнинг онги, нутқи ва шахсиятини ривожлантиришда, ушбу воситаларнинг алоҳида ўрни борлигини исботлайди. Таълим муассасаларини компьютерлаштириш имконияти чекланган ёшларнинг ўқув жараёнига электрон таълим ресурсларини жорий этиш тизимини такомиллаштиришга ва ўқитиш усуллариининг янгича ёндашувларини жорий этишга ҳамда янги билим ва кўникмаларини ривожлантиришга имкон беради.

Педагог ва психолог олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, имконияти чекланган ёшларга дарс ўтиш жараёнини компьютер имитацион модель асосида ташкил этиш самарали ҳисобланиб, ўқувчилар (ўрганувчилар) биринчи марта эшитган маълумотларини тўртдан бир қисмини, кўрганда учдан бир қисмини, эшитиш ва кўришни бирга ташкил этганда маълумотнинг ярмини эса қолдириши аниқланган. Бу жараёнга мультимедиа дастурларини татбиқ этганда, яъни эшитиш, кўриш ва мулоҳаза юритиш биргаликда олиб борилганда ўзлаштириш даражаси анчага кўтарилганлиги аниқланган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, имконияти чекланган ёшлар таълимида яратилган электрон ахборот-таълим ресурслар фан дастурларига мос келиши, ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантирувчи топшириқ ва вазифалардан ташкил топиши, узлуксиз тизимда тақдим этилиши, узвийлик тамойилларига мос келиши зарур. Шунингдек, яратилган электрон-таълим воситаларига жойлаштирилган ресурслар, ўқувчилар томонидан эгаллаган билимларни текшириш учун назарий саволлар ва тест синовлари ҳамда амалий топшириқларни ўзида мужассамлаштирган бўлиши лозим.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, таянч ҳаракат аъзолари шикастланган (уйда якка тартибда таълим олувчи) ўқувчиларни физика фанига оид билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришда замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланилмаётганлиги ҳамда электрон ахборот-таълим ресурсларининг етарли эмаслиги аниқланди. Шу нуқтаи назардан қараганда, имконияти чекланган ўқувчилар таълимида физика ўқув предметини ўқитиш учун компьютер имитацион моделларини яратиш ва ўқув жараёнига татбиқ этиш муҳим масалалардан бири саналади. Кузатишларга кўра, таянч ҳаракат аъзолари шикастланган якка тартибда уйда таълим олувчи ўқувчиларнинг ўқув жараёнини самарали олиб бориш учун уларни фаолликка ундайдиган электрон ахборот-таълим ресурсларини яратиш ва фойдаланишнинг янгича ёндашувларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири эканлиги маълум бўлди.

Бунинг учун дастлаб қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим, деган хулосага келдик: ижтимоий интеграцияни таъминлаш учун ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотларнинг қарорларини қўллаб-қувватлаш; сифатли таълим олиш учун

тенг шарт-шароитлар яратиш мақсадида халқаро стандартларга мувофиқ миллий қонунчиликни такомиллаштиришга ҳисса қўшиш; жамиятнинг ўз хусусиятларидан қатъий назар, ўқувчилар тенглиги мақомини олиш учун тайёрлаш; ҳар бир шахснинг салоҳиятини ривожлантиришга қобилиятли йўналтирилган ёндошувдан ўтиш; ўқувчиларнинг барча тоифалари талабларига жавоб берадиган мактаб таълими мазмунини диверсификациялаш; ҳар бир ўқувчи учун сифатли таълим олишида масофавий таълимни ривожлантириш.

Бу вазифаларни амалга оширишда компьютер имитацион моделлар муҳим дидактик восита бўлиб хизмат қилади. Компьютер имитацион моделларни таълимда қўллаш ўқувчиларнинг дарс жараёнида етарли билимни ўзлаштиришида вақтни самарали тежаш мумкин бўлиб, олинган билимлар эса хотирада узоқ муддат сақланиб қолиши, ўқувчилар берилаётган материалларни кўриши, тинглаши, турли анимацион ҳаракатлар асосида тасаввур қилиши натижасида олган билимларини хотирада сақлаш сезиларли даражада ошади.

Тадқиқотнинг «**Имконияти чекланган ёшлар таълимига доир компьютер имитацион моделлар яратиш ва улардан фойдаланиш амалиёти**» деб номланган иккинчи бобида 6-7 синф имконияти чекланган ўқувчилар учун физика ўқув предметига доир компьютер имитацион моделлар яратиш технологияси ва ўқув жараёнига жорий этиш методикаси келтирилган.


АКТ орқали уйда яқка тартибда таълим олишда компьютер имитацион моделлар, электрон услубий қўлланмалар, электрон дарсликлар ва виртуал стендларнинг яратилишига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Компьютер имитацион моделлар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш, анъанавий ўқитишга нисбатан, ўзининг бир қанча афзаллик томонлари борлигини кўрсатади. Улардан қуйидагиларни келтириш мумкин: ўқув материалларининг ўқувчиларга етказиб бериш соддалиги; дарс жараёнида берилаётган маълумотларнинг такрорий ҳолда намоиш қилиш имкониятининг мавжудлиги; ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини юқори бўлишига эришиш; машғулотларни видео, аудио ва анимацияли воситалар орқали қизиқарли ташкил этиш имконияти; тавсия қилинган ўқув материалларидан оммавий тарзда фойдаланиш, яъни тармоқ технологиялари ёрдамида бир ёки бир нечта синфда ва гуруҳларда фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги; масофали ўқитиш учун асосий воситалардан бири сифатида фойдаланиш имконияти; таълим олувчиларнинг шахсга йўналтирилган билимларини баҳолаш, назорат қилиш ва бошқалар.

Ўқув материалларини компьютер имитацион моделлар кўринишда тақдим этганда, унинг ўқувчилар томонидан тушуниш даражасига алоҳида эътибор бериш лозим. Компьютер имитацион моделлар кўринишида тақдим этилаётган материаллар таълим олувчилар учун қулай ўзлаштира оладиган бўлиши керак. Тавсия этилаётган ўқув материалларида таърифлар, таянч иборалар, калит сўзларга мурожаат қилиш ва лаборатория ишларидан самарали фойдаланиш имкониятлари яратилиши лозим.

М.Х. Лутфиллаев Ўқув жараёнига мўлжалланган компьютер имитацион модел асосида яратилган виртуал ресурслар фанлар бўйича таълим мазмунига

эга бўлиши, гиперматнли тушунтиришларга кўп марта мурожаат қилишда вақт ҳисобини эътиборга олиши, экранга маълумотларни чиқаришда компьютернинг мультимедиали имкониятларидан фойдаланиши, предметнинг ҳар бир бўлими бўйича ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларига мос ҳолда билимларини баҳолай олиши, предметнинг ўқув ахборот базаларини янгилаш имкониятини яратиш имкониятларига эга бўлиши керак деган фикрларни билдириб ўтган.


Физика ўқув предметида лаборатория ишларини компьютер имитацион моделлар орқали ташкил этиш қуйидаги имкониятларни таъминлайди: махсус лаборатория жиҳозлари, кўргазма материаллари, ўқув қуроллари билан жиҳозланган хоналар талаб қилинмаслиги; лаборатория ишларининг анимациялар билан таъминланиши ва объектлар устида олиб борилаётган жараёнларни тўғридан-тўғри намоиш этиш; ўқувчиларнинг уй шароитида мавзуларни ўзлаштириш имкониятини яратади.



1-расм. Компьютер имитацион моделлар яратиш босқичлари.

Юқорида қайд этилган имкониятларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу бобда компьютер имитацион моделни яратиш босқичлари ишлаб чиқилди (1-расмга қаранг).

1-расмда келтирилган имитацион моделлар яратиш босқичлари асосида 6-7-синф физика ўқув предметиға мос электрон услубий қўлланма яратилди. Ушбу қўлланманинг тузилмаси қуйидаги 2-расмда қайд этилган.




2-расм. 6-7 синф физика ўқув предметлари учун яратилган электрон услубий қўлланманинг тузилмаси.

Яратилган электрон услубий қўлланмада 6-синф физика дарслиги асосида 52 та компьютер имитацион моделлар, 7-синф физика дарслиги асосида 54 та компьютер имитацион моделлари мавжуд.

Компьютер имитацион моделлар махсус мактаб-интернатларда 6-7 синф физика фани ўқув машғулотларини самарали ўзлаштириш, мустақил таълим олишга, ўзлаштирилган билимларни назорат қилишга мўлжалланиши назарда тутилди. Шу боис, физика ўқув предметида ҳар бир мавзу бўйича дарс ўтишларида методик қўлланма сифатида фойдаланишлари белгилаб олинди. Махсус мактаб-интернатларда 6-7 синф физика фани учун намунавий ва ишчи ўқув дастурлари мазмуни ва 68 соатлик ҳажмидаги ўқув юкмасига амал қилинди. 6-синф физика фанидан модда тузилиши, механик ҳодисалар, электр, иссиқлик, товуш ҳодисалари ҳақидаги дастлабки маълумотларни ўқувчиларга

тушунтиришда дастлаб, унинг келиб чиқиш тарихи, хоссалари, усуллари, тасвирлаш йўллари, турлари, 7-синф физика фанидан ҳаракатлар ҳақида умумий маълумот, тўғри чизиqli ҳаракат, айланма текис ҳаракат, ташқи кучлар, жисмлар ҳаракати, ҳаракат қонунлари, иш ва энергия ҳақида боблар мазмунини ёритиш белгилаб олинди.

Электрон услубий қўлланма ўқув режага мос ҳолда мавзулар кетма-кетлиги, амалий машқлар, лаборатория ишлари, умумий тест саволлари, масалалар тўплами, тақдимот, қўшимча адабиётлардан ташкил топган. Қўлланма ишга туширилгач, мулоқот ойнаси очилади ва физика ўқув предметига доир мавзулар кетма-кетлиги ишга тушади. Бу ерда ўқувчи ўзига керакли мавзунини танлайди. Ушбу мавзуга доир янги ойна ишга тушади. Бунда, яъни 3-расмда тасвирланганидек, ойнанинг чап тарафида компьютер имитацион модели, ўнг тарафида мавзунинг мазмунини ёртилган матн қисми ҳамда пасти қисмида эса «овоз», «тест саволлари», «луғат сўзлар» тугмалари жойлаштирилган. Ўқувчи бир вақтнинг ўзида мавзунини тинглаши, матнини ўқиши ҳамда компьютер имитацион моделдан фойдаланиши мумкин. «Лаборатория ишлари» тугмаси орқали 6-синф физика фанидан 5 та видео форматдаги лаборатория ишлари, 7-синфда 6 та видео форматдаги лаборатория ишлари мавжуд. «Амалий машқлар» тугмаси орқали мавзуга доир амалий машқлар тўплами кўрсатилган. «Масалалар тўплами» тугмаси орқали 6-7 синф физика фанидан келтирилган бир қанча масалалар тўплами жойлаштирилган. Ўрганилаган мавзулар юзасидан масалаларни қайта такрорлашга мўлжалланган. «Тақдимот» тугмаси орқали барча мавзулар мазмунини тасвирлаб берувчи тақдимотлар кетма-кетлиги мужассамлаштирилган.



Mavzu:
Molekulalarning o'zaro ta'siri va harakati. Broun harakati

Xonada atir solingan idish qopqog'ini ochib bir tomchisini qo'lga yoki kiyimga tomizaylik. Birozdan so'ng uning hidini boshqalar ham sezishadi. Quruq naftalinni berk idishdan olib stolga qo'ysak, uning hidini ham sezamiz. Ma'lumki, hidni sezish uchun atir yoki naftalinning zarralari burnimizga yetib kelishi kerak. Demak, atir yoki quruq naftalin zarralaridan tashkil topishidan tashqari, bu zarralar harakatda bo'lar ekan. Xona sovib ketsa, undagi pechkaga gaz, ko'mir yoki o'tin yoqamiz. Pechkaning og'zi berk bo'lsa-da, xona isiydi.

Pechkadagi issiqlik xonaning barcha burchaklariga qanday yetib boradi? Bunda ham havo zarralarining

Orqaga qaytish Ovoz Test savollari Lug'at so'zlar

3-расм. Қаттиқ жисмларда заррачаларнинг ҳаракати. Броун ҳаракати.

Электрон услубий қўлланма ўқувчиларга ахборотларни тақдим этиш, қайта ишлаш, сақлаш, узатиш ва ундан фойдаланиш масалалари ҳақида билимлар беришда асосий дарсликка кўмакчи сифатида фойдаланилади.

Электрон услубий қўлланмада физика ўқув предметини ўқитишда фойдаланиш мумкин бўлган мультимедиали ахборот ресурслари мавжуд.

6-7 синфларнинг физика ўқув предметидан ўқувчиларнинг билимини баҳолашда ҳар бир мавзу якунида тест саволлари яратилган. Яратилган тестлар асосида ўқувчи дарс жараёнида ёки дарсдан ташқари вақтларда ўтилатган мавзуларни қанчалик даражада ўзлаштирганлигини аниқлаши ҳамда ушбу вақтнинг ўзида қайси саволларга хато жавоб берганини билиши мумкин. Берилган хато жавоблар ҳамда уларнинг тўғри жавобларини кўриши мумкин. Натижада эгаллаган билим ва кўникмаларидан ўзлаштириш даражаларини аниқлашга имкон беради.

Электрон услубий қўлланмадан фойдаланилганда имконияти чекланган ўқувчиларда компьютер саводхонлиги ривожланади ва компьютердан фойдаланиш маданияти шаклланади. Натижада ўқувчилар компьютер имитацион моделлар билан ишлай бошлайдилар, мураккаб бўлган мавзуларни ҳам тезроқ ўзлаштиришга имкон беради. Компьютер имитацион моделлардан фойдаланган ҳолда дарс ўтилиши ўқувчиларнинг физика ўқув предметидан кўникма ва малакалари шаклланишига ҳамда амалий билимларни ривожланишига олиб келади. Шунингдек, мавзуларни тушунтиришда ўқитувчиларнинг фаолияти соддалашади, билим бериш даражаси ортади.

Диссертациянинг «**Имконияти чекланган ёшлар таълимида компьютер имитацион моделлар яратиш ва амалиётга жорий этишнинг самарадорлиги: тажриба-синов мазмуни, натижалари**» деб номланган учинчи бобида махсус мактаб-интернатларда компьютер имитацион моделлар асосида тажриба-синов ишларини ташкил этиш, ўтказиш тартиби ва тадқиқот натижасида олинган миқдор, сифат кўрсаткичларнинг таҳлили баён этилган.

Тажриба-синов ишларини олиб боришда тажриба-синов майдонлари сифатида Бухоро вилоятининг Бухоро шаҳридаги 24-123 сонли, Навоий вилоятининг Кармана туманидаги 25-сонли ҳамда кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернат, Самарқанд вилоятининг Самарқанд шаҳридаги 60-61 сонли махсус мактабларининг таянч ҳаракати аъзолари шикастланган уйда яқка тартибда таълим олувчи ўқувчилар ўртасида ўтказилди. Таянч ҳаракати аъзолари шикастланган уйда яқка тартибда таълим олувчи ўқувчилардан жами 337 нафари танлаб олинди ҳамда улар тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди. Ажратилган тажриба ва назорат гуруҳидаги ўқувчилар ўртасида тажриба-синов ишлари 3 босқичда, яъни ташхис ва башорат қилиш, ташкилий-тайёргарлик, амалий ва умумлаштирувчи босқичларда олиб борилди.

Педагогик тажриба-синов ишларида тажриба гуруҳига жалб этилган, яъни таянч ҳаракати аъзолари шикастланган уйда яқка тартибда таълим олувчи ўқувчилар учун тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган методика асосида

машғулотлар олиб борилган бўлса, назорат гуруҳларида эса анъанавий ўқитиш тизимидан фойдаланилди. Уларнинг билимлари 2018-2019 ўқув йилида тест синови асосида (2 та чораклик ва 1 та якуний) назорат ишлари олиниб, баҳоланди. Баҳолаш 5 баллик рейтинг тизимида олиб борилди ва хулосалар 5 баллик тизимда чиқарилди. Тажриба-синов натижаларининг ҳақиқийлигини таъминлаш учун математик-статистик усуллардан бири бўлган Стъудент статистикасидан фойдаланилди.

Компьютер имитацион моделлари асосида ва анъанавий усулда ўқитишда иштирок этган мактаб-интернат ўқувчилари сони 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Тажриба-синов ишларида иштирок этган ўқувчилар сони


Мактаб номи	Таълим олувчилар
Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги 60-сонли заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернат	64 нафар
Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги 61-сонли кар болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернат	53 нафар
Навоий вилояти Кармана туманидаги 25-сонли кар (заиф эшитувчи) болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернат	55 нафар
Навоий вилояти Навоий шаҳридаги Кўзи ожиз (заиф кўрвчи) болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернат	51 нафар
Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги 24-сонли махсус мактаб-интернат	63 нафар
Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги 123-сонли махсус мактаб-интернат	51 нафар
Жами:	337

Стъудент статистикасидан кўриб чиқилган тажриба-синов ишлари асосида махсус мактаб-интернатлари таянч ҳаракат аъзолари шикастланган ўқувчиларининг 6-7 синф физика ўқув предметидан олган баҳоларининг ўртача арифметик қиймати 2-жадвалда келтирилган.

Тажриба-синов ишлари олиб борилган махсус мактаб-интернатларида таянч ҳаракат аъзолари шикастланган, якка тартибда таълим олувчи ўқувчиларнинг 6-7 синф физика ўқув предметида олган баҳоларининг ўртача арифметик қиймати

Мезонлар	Баҳолаш тури	Компьютер имитацион моделлари асосида	Анъанавий усул	Самарадорлик кўрсаткичи
Самарқанд вилоят махсус мактаб-интернати				
Баҳоларнинг ўртача арифметик қиймати	1-ОБ	$x_T=3,75$	$x_H=3,56$	$\eta=1,05$
	2-ОБ	$x_T=3,83$	$x_H=3,77$	$\eta=1,02$
	ЯБ	$x_T=4,21$	$x_H=4,09$	$\eta=1,03$
Навоий вилояти махсус мактаб-интернати				
Баҳоларнинг ўртача арифметик қиймати	1-ОБ	$x_T=3,8$	$x_H=3,62$	$\eta=1,05$
	2-ОБ	$x_T=4,08$	$x_H=3,95$	$\eta=1,03$
	ЯБ	$x_T=4,12$	$x_H=4,09$	$\eta=1,01$
Бухоро вилоят махсус мактаб-интернати				
Баҳоларнинг ўртача арифметик қиймати	1-ОБ	$x_T=3,7$	$x_H=3,62$	$\eta=1,02$
	2-ОБ	$x_T=3,88$	$x_H=3,79$	$\eta=1,02$
	ЯБ	$x_T=4$	$x_H=3,71$	$\eta=1,08$

2-жадвалга асосан, тажриба-синов ишлари олиб борилган махсус мактаб-интернатлари таянч ҳаракати аъзолари шикастланган ўқувчиларининг якуний баҳолашга нисбатан ўзлаштириш динамикаси 4-расмда тасвирланган.



4-расм. Тажриба-синов ишлари натижаларининг динамикаси.

Юқоридаги жадвалдан фойдаланиб ҳисоб ишлари амалга оширилганда анъанавий усулдаги ўқитишга нисбатан компьютер имитацион моделлар асосида ўқитишда олиб борилган тажриба-синов ишлари натижалари ўртача 1,12 (яъни 12%га ошган) баробарга самара берганлиги тасвирланган.

Хулоса қилиб айтганда, махсус мактаб-интернатларида 6-7 синф физика ўқув предметини ўқитишда компьютер имитацион моделлардан фойдаланиш асосида ўқув машғулотларини самарали ташкил қилиш имконияти асосланди.

ХУЛОСА

«Махсус мактаб интернатлар таълимига оид компьютер имитацион моделлар яратиш ва жорий этишнинг технологиялари (6-7 синф физика дарслиги мисолида)» мавзусида олиб борилган тадқиқот натижалари асосида куйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Таянч ҳаракати аъзолари шикастланган уйда якка тартибда таълим олувчи ўқувчилар учун электрон ахборот-таълим ресурсларини яратишда Ўзбекистон Республикасининг санитария-гигиена қоидалари ва тадқиқот доирасида тақлиф этлаётган лойиҳалаш босқичларидан, талаблардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади;

2. Махсус мактаб-интернатларида физика ўқув предметини (6-7 синфлар учун) ўқитишда фойдаланиладиган ахборот технологиялари воситаларининг кўргазмали функцияларини аниқлаш ва уларни амалга ошириш йўллари белгилаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади;

3. Махсус мактаб интернатларининг 6-7 синф физика ўқув предметига оид дидактик дастурий воситалар (мультимедиа, овоз доир, видео, компьютер имитацион моделлар, виртуал стендлар)дан фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Бунинг натижасида ўқувчининг фанга бўлган қизиқиши ошади, тасаввур ҳосил қилади ва зарурий компетенциялари шаклланади;

4. Имконияти чекланган (уйда якка тартибда таълим олувчи) ўқувчиларнинг физика ўқув предметидан креатив фикрлашини ривожлантиришда компьютер имитацион моделларидан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш лозим;

5. Махсус мактаб-интернат ўқувчиларининг физика ўқув предметига мустақил ўқув фаолиятини самарали ташкил этишда интерфаол методлар, компьютер имитацион моделлари ва диагностик дастурий воситаларидан фойдаланиш муҳим ҳисобланади;

6. Махсус мактаб-интернатларида компьютер имитацион моделларидан фойдаланиб ўқув жараёни самарадорлигини ошириш ва билиш фаолиятини фаоллаштириш, ўқиш эҳтиёжи ва қизиқишига мувофиқ билим, кўникма ҳамда малакаларини эгаллаш, ўқитиш жараёнида табақалаштирилган ёндашувдан фойдаланиш лозим;

7. 6-7 синф физика ўқув предметини ўқитиш жараёнида фойдаланиш учун киритилган электрон услубий қўлланма ва компьютер имитацион моделлари тажриба-синов ёрдамида ўз самарасини берганлиги исботланди. Шу боис, ушбу электрон услубий қўлланма ва компьютер имитацион моделларидан махсус мактаб-интернатларида кенг кўламда фойдаланиш мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ОБЛАСТНОМ
ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ
ИНСТИТУТЕ**

**УЗБЕКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК**

ЭШИМОВ РАХМОН РУСТАМОВИЧ

**ТЕХНОЛОГИИ СОЗДАНИЯ И ВНЕДРЕНИЯ КОМПЬЮТЕРНЫХ
ИМИТАЦИОННЫХ МОДЕЛЕЙ ДЛЯ СПЕЦИАЛЬНЫХ ШКОЛ-
ИНТЕРНАТОВ**

(на примере учебника физики для 6-7 классов)

13.00.06 – Теория и методика электронного образования (информатика)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.3.PhD/Ped331.

Диссертация выполнена в Узбекском научно-исследовательском институте педагогических наук.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.vocedu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (по адресу www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Лутфиллаев Махмуд Хасанович
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Рахматуллаев Марат Алимович
доктор технических наук, профессор

Туракулов Олим Холбутаевич
доктор педагогических наук, профессор

Ведущая организация:

Каршинский государственный университет

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 при Ташкентском областном Чирчикском государственном педагогическом институте (адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Темура, дом №104). Тел: (99870) 712-27-55; faks: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi-kengash@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского областного Чирчикского государственного педагогического института (зарегистрировано за № _____). (Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Темура, дом №104. (99870) 712-27-55; faks: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi-kengash@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.
(протокол рассылки № _____ от _____ 2021 года).

Ж.Э. Усаров
председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.п.н., доцент

Д.М. Махмудова
ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
философии (PhD) по педагогическим наукам., доцент

Р.А. Эшчанов
председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В целях совершенствования системы организации обучения и воспитания учащихся с ограниченными возможностями в мире проводятся исследования по созданию и внедрению компьютерных имитационных моделей, мультимедийных электронных ресурсов, технологий виртуального обучения. На основе широкого использования современных информационно-коммуникационных технологий и педагогических технологий для обучения учащихся с ограниченными физическими возможностями в области естественных наук служит развитию их творческих способностей, развитию логического мышления, совершенствованию теоретико-методологической, методической базы при систематизации обучения.

Во всем мире проводятся научные исследования направленные на внедрение интерактивных методов и дидактических электронных учебных ресурсов, компьютерных имитационных моделей, основанных на интегративном подходе к изучению организационно-методических основ обучения физике учащихся с ограниченными физическими возможностями. Результаты исследования имеют большое значение при разработке учебных материалов на имитационных моделях для процесса обучения физике учащихся с ограниченными физическими возможностями, при увеличении объема научных разработок, связанных с современными подходами к организации уроков на основе компьютерных практических и инструментальных программных средств и мультимедийных электронных ресурсов.

В нашей стране проводится значительная работа по использованию передовых педагогических технологий, совершенствованию учебных планов и программ развития образования для учащихся с ограниченными возможностями. В свою очередь, существует необходимость изучить новые подходы к использованию информационных технологий при обучении физике учащихся с ограниченными возможностями. В Постановлении о мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования и воспитания детей с особыми образовательными потребностями определены такие приоритетные задачи, как «формирование у учащихся здоровой, сильной и эффективной мотивации к обучению в процессе инклюзивного образования, создание мультимедийных приложений с внедрением современных учебников, учебно-методических пособий, информационных и коммуникационных технологий на основе программ инклюзивного образования»².

В связи с этим актуальностью темы исследования определяется разработкой научно-методических рекомендаций по совершенствованию этапов проектирования дидактических учебных пособий для образовательного

² Постановление Президента Республики Узбекистан 13 октября 2020 г., № 4860 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования и воспитания детей с особыми образовательными потребностями».

процесса специальных школ-интернатов, организации самостоятельной работы воспитанников специальных школ-интернатов по физике.

Данное исследование в определенной степени послужит выполнению поставленных задач в Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 25 января 2021 г., № ПП-4963 “О мерах по поддержке научно-исследовательской деятельности и внедрению системы непрерывного профессионального развития в сфере народного образования”, от 9 августа 2021 г., № ПП-5216 “О мерах по внедрению новой системы государственной поддержки детей-сирот и детей, оставшихся без попечения родителей”, от 29 апреля 2019 года, ПП-5712 “О Концепции развития системы народного образования до 2030 года” и в других нормативно-правовых актах в данной области.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Настоящее исследование выполнено в рамках приоритетного направления науки и технологий: IV. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. Исследования по внедрению информационных и коммуникационных технологий в образование, развитию электронного обучения, созданию и применению электронных информационных ресурсов и программных оболочек изучались в работе ученых нашей страны: А.А.Абдукодилова, М.М.Арипова, Р.Р.Бокиева, Ф.М.Закировой, М.Х.Лутфиллаева, А.А.Абдувасиевой, Д.Э.Тоштемирова, Н.А.Муслимова, Н.И.Тайлакова, М.Э.Мусаевой, Б.Сапаева, Б.Болтаева, У.Ю.Юлдашева, Я.Маматовой, С.С.Гуломова, А.Х.Абдуллаева, М.Х.Лутфиллаева, М.А.Файзиева, М.Р.Файзиевой; исследование проблем и перспектив образования молодежи с ограниченными возможностями, научные исследования по его содержанию, задачам, принципам изучали: Л.Р. Муминова, Р.Ш.Шомахмудова, Н.Музаффарова, Ф.У.Кадирова, Д.Тангирова, Р.Сулейменова, Г.Д.Хакимджанова.

